

Агар ҳаё қилмасанг, истаганингни қил | Тазкия дарслари (330-дарс)



19:00 / 31.05.2025 1795

لُسْتَعْيِ الْجَرَئِ أَرْمَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَصْرَه لَلِ لُوسَرَّ نَأُ نَعُهُ لَلِ لِي ضَرَّ لَعْيِ نَع
يَحَلَلَانِ» : لَأَقُّمُ هِيَ لَعْلَلِ لِمَحْفَرَبْنُم لِدَعَصَفِ زَارِ لَبْ زَارِبُ لِبَابِ
دُوَادُ وَبَأَهُ أَوْر. «رَتَّ سَيَلَفُ مُكُذَّحَ لَسْتَعَا إِذِافِ رَتَّ سَلِ أَوَّاءِ لِحَلِّ لَبْحِي رِيَّ سِ
يَسَّ نَلِ أَوَّ

Яъло розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам очик жойда иштонсиз
ғул қилаётган одамни кўриб қолдилар. Бас, минбарга чиқдилар.
Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг:**

**«Албатта, Аллоҳ ўта ҳаёли ва ўта тўсингандир. Бирортангиз ғул
қилса, тўсиниб олсин», дедилар».**

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

Бу гапларда одоб-ахлоқнинг олий даражаси ўз ифодасини топган. Муслмонлар ичидаги мавжуд камчиликларни муолажа қиладиган ваъзхонлар ва хатиблар бундан ўрнак олишлари керак. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фалончининг фалон жойда қип-яланғоч ғусл қилаётганини кўрдим, «Шу ҳам иш бўлдимми?» демадилар. Бошқа шунга ўхшаган гапларни ҳам айтмадилар. Балки аввал Аллоҳ таолонинг ўта ҳаёли эканини эслатиб, муслмонларни ҳам ўта ҳаёли бўлишга ундадилар. Аллоҳ таолонинг ўта тўсинган эканини эслатиб, муслмонларни ҳам ўта тўсинишга ундадилар. Сўнгра асосий мақсадга кўчиб, тўсиниб олиб ғусл қилиш кераклигини баён қилдилар.

نَمْ غَبْرًا: لَأَقَمَ لَسَوَّوْهِ لَعْلَلِ لَصَّيْبِ لِنَلَّ نَعُ، نَعُ لَلِ لِي ضَرَّ بَوِيَّ أَيَبَّ نَعُ
يَذُمَّرَّتْ لَأَوْدَمَّ حَأْ هَأَوْرَ. «حَأَكُّنْ لَأَو، كَأَوْسْ لَأَو، رُطَّعَّتْ لَأَو، عَأَيَّ حَأَلِ: نَيَلَسْ رُمُّ لِنَنْ سْ

Абу Айюб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тўрт нарса расулларнинг суннатларидандир: ҳаё, хушбўй сепиш, сивок ва никоҳ», дедилар».

Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган.

Ҳаё инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган сифатлардан биридир. Ҳаё инсонга зийнат ҳисобланган улufe бир сифат, набийларнинг ҳаммаларига муштарак сифат бўлган нарсадир.

Шунинг учун ҳам ҳар бир мўмин-муслмон ҳаёли бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим.

مُكَّيًّا: لَأَقَمَ لَسَوَّوْهِ لَعْلَلِ لَصَّيْبِ لِنَلَّ نَعُ، نَعُ لَلِ لِي ضَرَّ رَمُّ عِنْبَلَّ نَعُ
لِلَّ لُجَّ رَلِ لِي ضَفِّي نِي حَوَّوْطِ لَأَغْلَّ لَدْنَعُ لَلِ مُكُّ قَرَأْفِي لَلِ نَمُّ كَعَمَّ نِإْفِ، يَرَّعَّتْ لَأَو
بَدَّأَلِ لِي فَيَذُمَّرَّتْ لَأَو هَأَوْرَ. «مُّهُومُّرُّ كَأَو مُّهُوِيَّ حَتْ سَأَفْ، هَلَّ هَأَ

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Яланғоч бўлишдан сақланинглари. Чунки сиз билан қазои ҳожат ва эр киши ўз аҳлига борган пайтдан бошқа вақтда ҳеч ажралмайдиган шахслар бўлади. Бас, улардан ҳаё қилинглари ва

